



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2014 йил — Соғлом бола йили


БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 540-мактабгача таълим муассасасида 476 нафар бола тарбияланмоқда.

Ушбу масканда кичкинтойларнинг ҳар томонлама соғлом ўсиши, ўқиб-ўрганиши, мусиқа ва санъат йўналишида иқтидорини юзага чиқариш учун барча шароит яратилган. Ўттизга яқин малакали тарбиячи-педагог уларни ҳар томонлама етувчи фахрлар бўлиб тарбиялашда анъанавий ёндашувдан ташқари интерфаол усуллар ва кўргазмалар воситалардан кенг фойдаланади.

СУРАТЛАРДА: 540-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Шахноза Орипова ва тарбияланувчи Шахриёр Ҳакимов. (Чапдан) тарбияланувчилар Зилола Аббасова ва Мухлиса Тўлқинава.

Ўлжин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги Миллатлар саройида Наврўз байрами нишонланди. Озарбойжон, Афғонистон, Эрон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон ва Ўзбекистон дипломатия миссиялари томонидан ташкил этилган мазкур байрам тадбирида Женевадаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари, Швейцариянинг жамоатчилик ва маданий ташкилотлари вакиллари ҳозир бўлдилар.

ЖЕНЕВАДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлими бош директори вазифасини бажарувчиси Майкл Мёллер тадбирни кириш сўзи билан очар экан, кўҳна Наврўз байрами ишонч ва янгиликлар рами эканлигини, шунингдек, у турли халқлар ўртасида бир-бирига сабрлилик, ҳурмат, ўзаро тўғри тушуниш ва яхши қўшничилик сингари универсал қадриятларнинг бардавомлигига кўмаклашишни алоҳида таъкидлади. «Шу боис Наврўз БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ўз эътирофини топи ва ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий меросининг рўйхатидан жой олди», деди у.

Байрам тадбири чоғида 800 нафардан зиёд иштирокчи ташкилотчи давлатлар халқларининг бой анъаналари, мазкур мамлакатларга оид зарур ва қизиқарли маълумотлар билан танишиш ҳамда уларнинг миллий таомларидан татиб кўриш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон халқ амалий санъати намуналари, ўлка-миз табиатининг бутун гўзаллиги, унинг бой тарихий-маданий мероси, сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари мобайнида кўлга киритган муваффақиятларини ўзида акс эттирган ранг-баранг ахборот материалларининг кўргазмаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг Наврўз байрамга бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Меҳмонлар анъанавий ўзбекона меҳмондўстликдан ҳам баҳраманд бўлдилар. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Артурас Гайлиунас, Литванинг Женевадаги доимий ваколатхонаси масъул маслаҳатчиси:

— Ўзбекистон халқи ҳамиша ўзининг меҳмондўстлиги, яратувчилиги ва тинчликсеварлиги билан ажралиб тур-

ган. Баҳор ва янгиликлар байрами ҳисобланадиган Наврўз ўзида кўп асрлар давомида ана шундай хусусиятларни мужассамлаштирган.

Ушбу байрам муносабати билан барча ўзбекистонликларга тинчлик-хотиржамлик ва роҳат-фароғат тилайман. Мана шундай байрам кайфияти уларни асло тарк этмасин.

Рошад Баҳор, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг собиқ ходими:

— Мен қисқа муддатли сафарим чоғида Тошкентда бўлган эдим. Ўшандаёқ ўзбек халқининг меҳмондўст ва очиқ кўнглилигини ҳис қилгандим. Бугун, кўп асрлик анъана — Наврўз байрами нишонланаётган кунда барча ўзбекистонликлар билан бу байрамни баҳам кўриш ва уларга энг эзгу тилакларини билдириш менга шарафдир.

Амир Наҳери, Швейцариянинг «Apadana Diffusion» компанияси раҳбари:

— Ўзбек халқини ушбу баҳор шодиёнаси билан табриклар эканман, бугунги байрам тадбирининг ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдиришни истар эдим. Барчангизга бахт-иқбол ва тинчлик-хотиржамлик тилайман.

«Жаҳон» АА
Женева

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида «Амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар жарёғида қонунчиликни такомиллаштиришга доир долзарб масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, судьялар, адвокатлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов, Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Афғоров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойилларнинг изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилгани ва бу тадрижий равишда давом эттирилаётганини таъкидлади. Натижада демократик янгиликлар билан бирга аҳоли турмуш даражаси ва сифати ўсиб, мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамииятидаги ўрни юксалиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда парламентга киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддалари) «ги қонун лойиҳаси бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга қаратилган.

Мазкур қонун давлат ҳокимияти тизими янада демократлаштириш, давлат бошқарувининг энг муҳим принципи — қонун қарувчили, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари мустақиллиги ва тенглигини, ваколатлари мутаносиблиги, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизими амал қилишини таъминлашга оид конституциявий механизмларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Конституцияга киритилиши кўзда тутилган ўзгартишлар ҳукумат олдига ижро этувчи ҳокимиятнинг мамлакатни барқарор ривожлантириш, уни демократик янгилаш ва такомиллаштириш боришдаги ўрничи мустақиллаш, ижтимоий тараққиёт йўлидаги масъулиятини оширишга оид вазифаларни қўяди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини юритиш, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш юклатилмоқда. Бу мазкур тизимнинг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган муҳим меъёр бўлиб, Ўзбекистоннинг сиёсий ва

конституциявий ривожланиши нуктаи назардан келиб чиққанди.

Давра суҳбатида ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Чунки қонун лойиҳалари ўз вақтида тайёрланишини ва уларнинг қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан парламентга киритилишини таъминлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш қонунчиликнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ислохотларга мутаносиб равишда ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу жараёнда Адлия вазирлигининг давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат тузилмаларида қонунийликка риоя этилиши устидан самарали, тизимли мониторинг ва назорат қилиш борасидаги фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Судья ва адвокатларнинг таъкидлашча, амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар жамиятда қонун устуворлиги тамойилини қарор топтиришга пухта замин яратди. Мазкур вазифани амалга ошириш учун мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилишини таъминлаш соҳасида қатор меъёр-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Конституциянинг давлат ҳокимияти органлари тизимида ижро этувчи ҳокимият ролини янада кенгайтириш, маҳаллий ҳокимиятлар масъулиятини ошириш, маҳаллий Кенгашларда уларнинг ҳисоботлари ишитувини мунтазам равишда ўтказишга қаратилган янги меъёрларига ҳам эътибор қаратилди. Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар парламентаризм, кўп партиявийлик тизими ва партиялараро рақобатни янада мустаҳкамлаш ҳамда вакиллик органлари ролини кучайтиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда жаҳон конституциявий тизимидаги ислохотлар, жумладан, ривожланган демократик мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда давлат ҳокимиятини демократлаштириш изчиллик асосида, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожини, давлат ҳокимияти институтлари етулиги даражасини ҳисобга олган ҳолда давлом эттирилаётгани кайд этилди. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида тулланган тажрибаси демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишига замин яратмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукус ҳуқуқшунослик коллежида Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан тадбир ўтказилди.

• Сирдарё вилоятида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг виллоятдаги ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилишида виллоят ҳокимлиги, маҳаллий бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• Навбахор туманидаги Истиклол саноат касб-хунара коллежида мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш мақсадида «Касблар фестивали» ўтказилди. Унда тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчи ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари қатнашди.

• Фарғонада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва виллоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт кунлари ўтказилди. Ушбу нафосат байрами халқимизнинг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан ташкил этилган адабий-бадий тадбирларга уланиб кетди.



• Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий штатларида парламент сайловлари бошланди. Унда тахминан 814 миллион аҳоли иштирок этиши мумкинлиги боис жаҳон тарихидан ушбу сайловлар энг кенг қўламини парламент сайловлари сифатида ўрин олиши мумкин. Сайловда ғолиб чиққанлар келгуси муддатга мамлакат парламентини шакллантирадилар.

• Афғонистонда президент сайловлари бўлиб ўтди. Мамлакатдаги нотинчлик ва ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, 50 фоиздан ортиқ аҳоли овоз бериш жараёнида иштирок этди. Урта номзод — Расул Залмай, собиқ молия вазири Ашраф Фани ва собиқ ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла сайловларда ғолибликка даъвогарлик қилмоқда. БМТ Бош қотиби Афғонистондаги президент сайловларини ушбу мамлакатда демократия сари қўйилган муҳим қадам сифатида баҳолади.

• Чилининг Реумен шаҳридаги қариялар уйида чиққан ёнғин натижасида 9 нафар кекса одам ва битта қариялар уйи хизматчиси ҳалок бўлди. Ўт ўчирувчиларнинг сўзларига қараганда, ёнғин эрта тонгда чиққан ва бир неча дақиқа ичида бутун бинони қамраб олган.

• Бразилия терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Ривалдо футболчи сифатидаги фаолиятини тўхтатганини маълум қилди. Сўнгги пайтгача қирқ бир ёшли спортчи ўз ватанидаги «Мож-Мирин» клуби шарафини ҳимоя қилаётган эди. Ривалдо «Барселона», «Милан», «Олимпикос», «Депортиво», «Палмейрас», «Коринтианс», «Крузейро» каби машҳур клубларда ўйнаган. Ўзбек футбол мухлислари унинг «Бунёдкор» (Тошкент) футбол жамоаси таркибиде тўп сурганлигини ҳам яхши эслайдилар. Ривалдо 1999 йилда жаҳоннинг энг яхши футболчиси ҳам деб тан олинган.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 678 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 287-умумтаълим мактабидан

«Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси» мавзусида адабий кеча ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Шайхонтохур

туманидаги Ибн Сино маҳалласида «Одам савдосига қарши курашишда барчамиз масъулмиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтади.



Таълим

ЎҚИТУВЧИЛАР
МАЛАКАЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Яқинда 2-Республика тиббиёт коллежиди «Таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида ўқитувчилар учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари С.Магдиева ушбу таълим масканидида ўқувчиларнинг олган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашлари учун шахримизнинг кўплаб нуфузли тиббиёт масканлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги, бундан ташқари ўқув ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалалари тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди.

Семинар давомида ўқув муассассининг ўқув-услубий, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва бадиий адабиётлар билан бойитилганлиги, кутубхонанинг умумий фонди бугунги кунда 44793 та дарслик ва ўқув кўлланмалардан ташкил топганлиги, кафедра ўқитувчилари томонидан 80 та маъруза матнлари, 70 та электрон дарсликлар тайёрланганлиги ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги «ZiyoNET» бўлими бошлиғи И.Ерматов «Дарс жараёнида «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғидан фойдаланиш самараси» хусусида фикр юритди.

Бинобарин, қатнашчиларни янада қизиқтириш борасида савол-жавоб ўйини ўтказилди ва уларга варақалар тарқатилиб, тиббиёт ўқитувчиларининг «ZiyoNET»га талаб ва таклифлари ўрганиб чиқилди.

Тадбир давомида таълим жараёнида интерфаол таълим услубла-

ри ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, мутахассисликка оид ангилликлар тўғрисида маълумотлар берилди.

«Чет тилларни ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар», «Таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш», «Фармация йўналишида ахборот технологиялари ва интерфаол усуллари билан фойдаланиб машғулотларни ташкил этиш, дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда ҳамкорлик ишлари» мавзуларида чет тилида маърузалар тингланди.

Семинарнинг фойдали хижатлари шундан иборат бўлдики, унда педагог-ўқитувчилар таълим технологияси моҳиятини чуқур тушуниб етиш, таълим жараёнининг мақсадини тўғри аниқлаш малакасига эга бўлишди, ўқитиш моделлари, методлари ва шакллари тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш, анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш усулларининг афзалликлари ва камчиликларини билиб олишди, таълим жараёнининг технологик ҳаритаси ва дарс ишланмасини ишлаб чиқиш, таълимнинг асосий техник ва ахборот воситаларидан фойдаланиш, очик дарс намоёйиш қила олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш маҳоратига эга бўлишди.

Таълихон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги хузуридаги «ZiyoNET»
бўлими мутахассиси

ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

Янгиланиш ва яшариш байрами бўлиши Наврўзи олам аждоқларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, Наврўз шуқуҳи кезиб юрганини ҳис қиласиз.

Жумладан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган матбуот ташкилотларининг энг йириги, кўп ададди газета-журнал ҳамда китоб маҳсулотларини чоп этиш бўйича етакчи ҳисобланмиш «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ҳам кўтлуг байрам муносиб нишонланди. Компания маъмурияти ва Касаба уюшмалари биргаликда ташкил этилган тадбирда узоқ йиллар давомида бу ерда фаолият кўрсатиб, нафақага чиққан фахрийлар, ҳозирда фаолият олиб бораётган ишчилар, газеталар таҳририяти ходимлари, матбаачилар иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари учун байрам дастурхони ёзилиб, Наврўз таомлари, сумалак, ош тортилди. Бир пиёла чой устида матбаачилар ва журналистлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш, янги режалар тузиш, олиб борилаётган ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш хусусида сўз борди.

Тадбирда Юнусов туманидаги 21-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг

«Настарин» халқ эстрада ансамбли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Шокиров бошчилигидаги санъаткорлар ва эл севган хонандалар ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи, баҳор ва Наврўзга бағишланган дилбар куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

— Азалдан Наврўзи олам халқимиз томонидан кут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланади, — дейди 21-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Насриддин Қурбонов. — Мустақил юртимизга мана шундай байрамлар ярашади. Марказга туманимиздаги 12 та маҳалла бириктирилган бўлиб, «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида байрам тадбирлари ташкил этилмоқда. Матбаачилар ва ижодкорлар иштирокидаги байрам тадбирида ҳам баҳоли қудрат хизмат қилдик. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин, байрамлар байрамларга улансин.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 29 апрель кунини соат 11:00 да бўлиб ўтаётган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Олмазор тумани СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг 22.05.2013 йил 1-1727/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу даҳаси, 15-уй, 20-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., яшаш майдони 42,63 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 65 000 000 сўм.

II. Олмазор тумани СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг 28.10.2013 йил 1-4203/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Калонов кўчаси, 1-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 69,12 кв.м., яшаш майдони 38,68 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 54 479 636,12 сўм.

III. Олмазор тумани СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг 14.11.2013 йил 1-4196/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Турсунқўжаева кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 373,60 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 108,41 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 100 000 000 сўм.

IV. Чилонзор тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 03.06.2013 йил ЖСК-1-17/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Турсунқўжаева кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 373,60 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 108,41 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи – 100 000 000 сўм.

V. Сергели тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 08.10.2013 йил 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 1-уйда жойлашган кўйидаги кўчмас мулклар мулклик мажмуа сифатида савдога қўйилган:

- Блок «А», умумий майдони 4 914 кв.м., бўлган маъмурий бино. Бошлангич нархи – 2 177 064 750 сўм.
- Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м., бўлган ўтиш биноси. Бошлангич нархи – 16 135 919 сўм.
- Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м., бўлган идора биноси. Бошлангич нархи – 8 833 723 сўм.
- Блок «А3», умумий майдони 486 кв.м., бўлган идора биноси. Бошлангич нархи – 89 147 398 сўм.
- Блок «Б», умумий майдони 15 145 кв.м., бўлган

ишлаб чиқариш цехи. Бошлангич нархи – 7 081 712 222 сўм.

- Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м., бўлган нейтраллаш биноси. Бошлангич нархи – 103 268 682 сўм.
- Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м., бўлган цех биноси. Бошлангич нархи – 82 955 561 сўм.

- Блок «Е», умумий майдони 1 080 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 343 469 433 сўм.

- Блок «Ж», умумий майдони 1 891 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 1 027 216 664 сўм.

- Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 11 324 268 сўм.

- Блок «Ж2», умумий майдони 2 684 кв.м., бўлган иссиқхона иншоот. Бошлангич нархи – 485 593 187 сўм.

- Блок «Ж3», умумий майдони 170 кв.м., бўлган контора биноси. Бошлангич нархи – 62 530 262 сўм.

- Блок «М», умумий майдони 34 кв.м., бўлган қозонхона биноси. Бошлангич нархи – 13 209 800 сўм.

- Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 35 938 140 сўм.

- Блок «О», умумий майдони 1 495 кв.м., бўлган савдо дўкони биноси. Бошлангич нархи – 2 182 350 784 сўм.

- Блок «П», умумий майдони 298 кв.м., бўлган компрессор биноси. Бошлангич нархи – 127 427 978 сўм.

- Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 9 861 975 сўм.

- Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 5 341 336 сўм.

- Блок «Н1», умумий майдони 409 кв.м., бўлган насосхона биноси. Бошлангич нархи – 159 250 779 сўм.

- Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 10 301 796 сўм.

- Блок «С», умумий майдони 1 728 кв.м., бўлган вентиляция биноси. Бошлангич нархи – 981 922 489 сўм.

- Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м., бўлган цех биноси. Бошлангич нархи – 125 213 861 сўм.

- Блок «Т1», умумий майдони 52 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 18 026 218 сўм.

- Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 47 489 015 сўм.

- Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 5 692 669 сўм.

- Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м., бўлган қоравулхона биноси. Бошлангич нархи – 6 449 535 сўм.

- Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м., бўлган ом-

борхона биноси. Бошлангич нархи – 348 585 952 сўм.

- Блок «Ц», умумий майдони 128 кв.м., бўлган чилангар биноси. Бошлангич нархи – 33 503 233 сўм.

- Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 176 867 800 сўм.

- Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 21 266 717 сўм.

- Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м., бўлган ёрдамчи биноси. Бошлангич нархи – 2 228 177 сўм.

- Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 8 324 867 сўм.

- Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 17 320 802 сўм.

- Блок «Ю3», умумий майдони 2 684 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 173 700 782 сўм.

- Блок «Б», умумий майдони 19 205 кв.м., бўлган ишлаб чиқариш цехи. Бошлангич нархи – 8 980 147 213 сўм.

- Блок «И», умумий майдони 1 080 кв.м., бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи – 762 907 889 сўм.

- Блок «Б1», умумий майдони 72 кв.м., бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган навес. Бошлангич нархи – 7 345 471 сўм.

- Блок «Л», умумий майдони 320 кв.м., бўлган эгалик ҳуқуқи аниқланмаган сушилка биноси. Бошлангич нархи – 56 637 583 сўм.

- Блок «Ю2», умумий майдони 1 851 кв.м., бўлган навес. Бошлангич нархи – 142 678 972 сўм.

- Блок «У», умумий майдони 161 кв.м., бўлган ёнгиндан сақлаш биноси. Бошлангич нархи – 50 434 131 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қафтаннинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо-лар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Зангиота тум. СИБ томонидан № 11382/24-сонли и.х.га асосан 2010 й. и.ч. «Эпилак» д.р. 100980АА. Бошлангич баҳоси – 47523757 сўм. Зангиота тумани «Кўк Терек Матлубот Инвест» МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. 2. Янгийул тум. СИБ томонидан 06.02.2012 й. и.х.га асосан 1986 й. и.ч. «Газ52» д.р. 10W670CA. Бошлангич баҳоси – 1746000 сўм. Янгийул тумани «Пўлат Нуруний» ХК автотранспорт воситаларида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 21 апрель кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Пискент тум. СИБ томонидан 10.01.2014 й. и.ч. № 61/2-сонли и.х.га асосан 2008 й. и.ч. «SUZU SAZ NP37» д.р. 10S875JA. Бошлангич баҳоси – 41394400 сўм. Пискент тумани ИИБ АМТФКМНБга қарашли жарима майдонида сақланмоқда. 4. Қибрай тум. СИБ томонидан 02.09.2013 й. и.ч. № 11-1335/8020-сонли и.х.га асосан 1. «Юк ортувчи LW-500-F» д.р. 8123EL. II. «Юк ортувчи LW-500-F» д.р. 8124EL. 2 та юк ортувчи техник воситасининг бошлангич баҳоси – 300000000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 5 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини дам олиш ва байрам кунларидан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 6002 7414 4001, МФО: 01103, СТИР: 302757392. Аукцион қўйидаги савдо олан автотранспорт воситаси (мулк) қўйидаги 5 банк кунини мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Тафқорўл 1-й кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558. 27.11.2013 й.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

Лицензия: № RR-0017.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ХЎРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясининг марказий диспетчерлик хизматида 1062 рақамли ишонч телефони ташкил этилди. Бу ерда Сиз шаҳар жамоат транспортининг иши юзасидан операторга ўз фикрингизни билдиришингиз ҳамда «такси буюртмаси» хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

«Тошшаҳартрансхизмат»
акциядорлик компанияси

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА
«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ«D» ТОИФАСИДАГИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛГАН
ФУҚАРОЛАРНИ ШАҲАР

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида спортнинг техник ва амалий турларидан ҳисобланмиш «Лайлак-варрак» учирш бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Мусобақалар

БОҒДА — ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Шайхонтоҳур ўқув СТК унитар корхонаси томонидан ўтказилган тадбирда вояга етмаган ўсмирлар, қақриқча бўлган ёшлар қатнашишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, маънавий ва жисмонан камол топтириш, спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни спорт билан шугулланишга кенг жалб этишда муҳим ўрин тутганини таъкидлашди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш, ташкилотлар ва муассасаларни авиамоделсозлик спорт турларини ривожлантиришга, болаларда техник иходиётга қизиқишни ошириш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топтиришга қаратиш, қақриқча бўлган ва қақриқ ёшлардаги Кундалин Кунларга хизматга тайёрлаш мақсадида мазкур мусобақа ўтказилди, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Шайхонтоҳур ўқув СТК унитар корхонаси раҳбари Фахриддин Мухомов. — «Лайлак-варрак» спорт мусобақаларида қатнашган ёшларнинг вақти келиб учувчиларга айланишгани қувонарлидир. «Соғлом бола йили»да ўтказилаётган мазкур спорт мусобақаси ёшларни янада соғлом фикрлашга, керакли фанларни яхши ўзлаштиришга, китоб

ўқишга, изланишга хизмат қилади деб ҳисоблайман.

Мусобақанинг бошланишидан аввал унинг шартлари тушунтирилиб, шаҳар биринчилиги «Лайлак», «Варрак» ва «Қутсимон» тоифалари бўйича ўтказилди. Иштирокчиларнинг варраклари эни 50 см.дан, бўйи 80 см.дан катта бўлишига эътибор қаратилди.

Сўлим боғда ташкил этилган спорт мусобақасида туманимиздаги Ал-Фаробий, Аҳмад Юғнакий маҳаллаларида истиқомат қилувчи вояга етмаган ёшлар билан иштирок этмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мирзо Улуғбек ўқув СТК унитар корхонаси бошлиғи ўринбосари Феруза Турдиева. — Ёшларимизнинг варракни ўзлари ясаб, кўка учираётганини кўриб, уларнинг қанчалик иқтидорли эканлигини ҳис қилмоқдамиз. Ҳар бир тўғрида қилиб бўлган иштирокчилар шаҳар биринчилигида қатнашишди.

Мазкур мусобақада «Лайлак» тоифаси бўйича 2-, «Қутсимон» тоифасида 3-, жамоамиз билан эса 1-ўринни эгалладик, — дейди Сергели туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сарвар Ҳабиров. — Устозим Валерий Гаврилов билан биргаликда мазкур мусобақага тайёргарлик кўрдик. Тенгдошларимнинг ясаган варраклари, улардаги иштиёқ мени янада илҳомлантирди. Мусобақа ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман.

Ғолибларга ташкилотчилар ва Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Иштирокчиларга эсдалик совғалари ва М.Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи томонидан берил чипталар тарқатилди. Тўғридаги «Варрак» бўлган ёшлар ижодиёт маркази томонидан уюштирилган концерт дастури йилланларга манзур бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР МЕЗБОНИ

Бугундан пойтахтимиз Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

Унда қитъамизнинг кучли гимнастикачилари қатори мамлакатимизнинг умидли ёш спортчилари юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада ғолиб бўлган спортчи Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида уюштирилаётган ёш Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга бўлади.

Мусобақалар 14 апрелгача давом этади.



Мухаммад Амин (ўзА) олган сурат

Болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада оммалаштириш мақсадида янги спорт мактаблари очилаётгани, тез-тез турнирлар ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

УЧТЕПАЛИК ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ҒОЛИБ

Яқинда шахримиздаги 40-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мини-футбол бўйича пойтахтимиз ўрта мактабларининг 6-7 синфлар ўқувчиларидан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган турнир «Наврўз Кубоги» деб номланди.

Унда пойтахтимиз туманларида ташкил этилган «Наврўз Кубоги» турнирида ғолибликни қўлга киритган 11 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақа якунида шохсупанинг энг юқори поғонасини Учтепа туман жамоаси забт этди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Кўклам чечаклари

БОЙЧЕЧАК

Биз интиқиб кутган фасл даракчилари бўлмиш кўклам чечаклари тоғ этаклари, далапаримиз, боғларимизни нашидали бир ошёнга айлантиради.

Бошқа ноёб моддалар ажратиб олинади. Мазкур турдаги бойчечакдан олинган ва саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган галантамин препарати тиб оламида кадрли ҳисобланади.

Республикада яна бир аjoyиб хислатга эга бўлган, бойчечак номи билан юритилган совринжон ҳам учрайди. У Қорақум ва Қизилқумда ўсиб, бўйи 30 см атрофида, тухумсимон пиёзбоши эса 3-4 см кенгликда бўлади. Бойчечак бу турининг гуллари шингил ҳосил қилиб, кўриниши оқ ёки пуштиранг тусли

бўлади. Совринжон айни илк баҳор, март ойида гуллари «кўз-кўз» қилиб, намойиш этади. Халқ таъбаотида совринжоннинг пиёзбоши беланги, бод, юрак касалликларида майдаланиб истеъмол қилинади.

Баҳор элчиси бўлмиш, далапаримиз кўрки бўлган бойчечаклар фақат кўзларимизга қувонч бағишлагани қолмасдан балки хонаси келганида шифобахшлиги билан жонимизга оро бўлади.

Маннон НАБИЕВ,
доришун олим

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 29 апрель кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибидега ўтказилган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 10 май кунги 1-867/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шавкат 1-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400 кв.м., қурилиш ости майдони 306,60 кв.м. бўлган турар жой. Бошланғич нархи — 60 000 000 сўм.

2. Ҳамза туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 2013 йил 19 февраль кунги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23/5-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий ер майдони 336 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 82,63 кв.м. бўлган турар жой. Бошланғич нархи — 78 080 000 сўм.

3. Чилонзор туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 6 январь кунги 1-5241/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мухимий кўчаси, 106-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 36 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошланғич нархи — 85 000 000 сўм.

2014 йил 15 апрель кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, ЖИБ Шайхонтоҳур туман судининг 2013 йил 26 декабрдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 33-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 111 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 74,57 кв.м. бўлган нотурар жой. Бошланғич нархи — 82 769 046 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопан кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3704 кв.м., умумий майдони 2009 кв.м. бўлган мотор цехи биноси. Бошланғич нархи — 735 523 667 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 39-уй, 16-А-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 77 кв.м., умумий яшаш майдони 61,75 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 145 777 716 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Роҳат кўчаси, 1-уйда жойлашган, ер майдони 831 кв.м., фойдаланиш майдони 680 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 80 613 456 сўм.

II. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 2 сентябрдаги 1-4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор-Д20 даҳаси, 15-уйнинг 1-қаватида жойлашган, умумий майдони 66 кв.м. бўлган нотурар жой.

Бошланғич нархи — 62 500 000 сўм.

III. Юнусобод туман СИБ томонидан:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м. бўлган икки қаватли ва ертўла биноси бўлган уй-жой. Бошланғич нархи — 674 653 602 сўм.

2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрь кунги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барақа (аввалги Ш. Қозоқбоев) кўчаси, 126-А-уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой. Бошланғич нархи — 337 682 696 сўм.

IV. Ҳамза туман СИБ томонидан, ЖИБ Ҳамза туман судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м. бўлган икки қаватли ва ертўладан иборат кўчмас мулк (свадебный салон). Бошланғич нархи — 1 673 820 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шохимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м. бўлган, бир қаватли, 4та бино ва 1 та иншоот ҳамда 1 та ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк. Бошланғич нархи — 1 542 654 900 сўм.

V. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Сергели туман судининг 2013 йил 7 октябрь кунги 1-693-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлик 5-мавзе, «Халқабод» маҳалласи, Толариқ канали бўйида жойлашган, умумий фойдали майдони 107 кв.м. бўлган, 1-қаватли «Болалар спорт майдончаси ва савдо шохобчалари». Бошланғич нархи — 136 533 600 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунин қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Тадбирлар

БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида илмий амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда илғор педагогик маҳоратга эга бўлган мактаб ва олий ўқув юртиларининг ўқитувчилари, мутахассислар, ота-оналар иштирок этишди.

Унда ўқувчилар синфдан ташқари ишларни бажаришди, қизиқишлари, қобилиятларига қараб янги материалларни яқка тартибда ўзлаштиришди.

Тадбир давомида профессор М. Мирзаахмедов раислигидаги «Математика ва информатика фанлари шўбаси»да ўқувчиларнинг 41 та маърузаси тингланди.

9-синф ўқувчилари М. Набиевнинг «Математика ва иқтисодиёт», Д. Тўлағанованинг «Виртуаллар ва яширин файллар», 5-синф ўқувчиси Саидкомил Мухаммадалиевнинг «Ғолиблар ва уларнинг иқтисодий масалаларга татбиқи» каби сермазмун маърузалари шулар жумласидандир.

Дилафрўз ИБРАГИМОВА,
ЎзДХТУ Халқаро журналистика
факультети талабаси

ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

№	Бошқарма ва туман бўлимлари	Ишонч телефони рақамлари
1	Бошқарманинг навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улуғбек туман бўлими	237-44-82
4	Миробод туман бўлими	215-67-07
5	Олмасор туман бўлими	228-01-00
6	Сергели туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-52-06
8	Ҳамза туман бўлими	289-59-88
9	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
10	Шайхонтоҳур туман бўлими	230-31-85
11	Юнусобод туман бўлими	234-20-67
12	Яккасарой туман бўлими	250-13-66

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 8 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарри моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имкониёт яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазл пайасиши 1 даража совуқ атрофи тахмин қилишмоқда, тағд бўлиши мумкин, кун-миқдори наст бўлади.

Тошкент Оқшони

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г. 456

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
12137 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ